

Фарғона водийси қишлоқ хўжалигида колхоз ишлаб чиқаришининг қарор топиши тарихидан

Холматов Мўйдин Мухторович
kholmatorov.m@mail.ru
мустақил тадқиқотчи
Фарғона давлат университети

Аннотация. Мақолада совет ҳокимиятининг ёппасига коллективлаштириш сиёсати натижасида Фарғона водийси қишлоқларида коллектив хўжаликка (колхоз) асосланган ишлаб чиқаришининг қарор топиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари масаласи ўрганилган. Колхоз тизимининг меҳнатни ташкил этиши ва ишлаб чиқариш шакллари ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: Фарғона водийси, коллективлаштириш, колхоз ишлаб чиқариши, якка деҳқон хўжаликлари, пахтачилик, меҳнатни ташкил этиши, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишчи кучи.

Из истории принятия решений о колхозном производстве в сельском хозяйстве Ферганской долины

Холматов Мўйдин Мухторович
kholmatorov.m@mail.ru
независимый исследователь
Ферганский государственный университет

Аннотация. В статье исследуются вопросы становления производства, основанного на коллективных хозяйствах (колхозах), в кишлаках Ферганской долины в результате политики сплошной коллективизации советской власти и её социально-экономические последствия. Освещены формы организации труда и производства в колхозной системе.

Ключевые слова: Ферганская долина, коллективизация, колхозное производство, единоличные деҳканские хозяйства, хлопководство, организация труда, оплата труда, рабочая сила.

From the history of the decision-making of collective farm production in the Fergana Valley agriculture

Kholmatorov Muydin Mukhtorovich
kholmatorov.m@mail.ru
independent researcher
Fergana State University

Annotation. This article examines the establishment of collective farm-based (kolhoz) production in the villages of the Fergana Valley as a result of the Soviet government's policy of mass collectivization and its socio-economic consequences. The forms of labor organization and production within the collective farm system are highlighted.

Key words: Fergana Valley, collectivization, collective farm production, individual peasant farms, cotton growing, labor organization, wage payment, workforce.

1929 йилнинг иккинчи ярми совет мамлакатига деҳқонлар ҳаётида янги давр бошланганини кўрсатувчи оммавий колхозлаштириш ҳаракати билан тавсифланади. Коллективлаштириш жараёнидаги туб бурилиш миллий республикаларда, жумладан Ўрта

Осиё республикаларида мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан кечроқ бошланди. Буни шундан ҳам билса бўладики, 1929 йилда Ўзбекистон колхозларида жами деҳқон хўжаликларининг атиги 3,4 фоизи бирлаштирилган, улар ҳам асосан, батраklar ва камбағал деҳқонлардан иборат эди (**UzR PAA, 58-fond, 6-royhat, 79-ish, p. 3**).

Мавжуд колхозларнинг аксарияти анча майда (ўртача 19 та хўжаликдан иборат) бўлиб, уларда замонавий ишлаб чиқариш техникалари бўлмаган, шунингдек, иш хайвонлари ва қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналаридан ҳам самарали фойдаланилмаган, уларда меҳнат анча суст ташкил этилган. Бироқ, уларнинг бир қисми, қатор камчиликларга қарамай, маълум даражада юқори меҳнат унумдорлиги ва товар ишлаб чиқариши билан ажралиб турарди. Бу хусусият республика қишлоқ хўжалигида кўпчиликни ташкил этувчи батрак-камбағал деҳқон оммаси ўртасида колхозларга интилишни маълум маънода рағбатлантирган. Айни пайтда, Ўзбекистонга тракторларнинг келтирилиши, МТС (машина-трактор станциялари)ларнинг ташкил этилиши, колхозларга давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдам ва имтиёзлар, ер тузиш ишлари ва бошқалар – буларнинг барчаси колхозларнинг миқдор жиҳатидан ўсиши учун муайян шароит яратди. 1930 йил 1 январига келиб республикада деҳқон хўжаликларининг 10 фоизи, 1930 йил 1 апрелига келиб эса 20 фоизи коллективлаштирилган эди (**UzR PAA, 58-fond, 6-royhat, 79-ish, p. 4**).

Ёппасига коллективлаштириш бошлангач, ҳокимият органларининг асосий эътибори батраklar ва бошқа ерсиз деҳқонларни халқ хўжалигининг “социалистик” секторига – совхозлар ва колхозларга жалб этишга қаратилди. Колхозларга кирган батрак ва батрак аёлларга давлат томонидан турли ёрдамлар кўрсатилди. Батрак-колхозчиларга ёрдам кўрсатиш фондлари ташкил этилди, уларга келгуси ҳосилгача иш ҳақи ҳисобидан аванс бериш учун пул маблағлари ва ғалла ажратилди ва ҳоказо (**Pravda Vostoka, 1930, March 18**).

Аёлларни колхозларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда ёппасига коллективлаштириш даврида маҳаллий ҳокимият органлари республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, аёллар артелларини ташкил этди. Дастлабида колхозларга асосан батрак аёллар аъзо бўлиб кирдилар. Фақат 1929 йилнинг ўзида 14 минг аёлни қамраб олган 500 та аёллар артели тузилди. 1930 йилда аёллар артеллари сони уч баравар кўпайиб, уларда 34 минг ўзбек аёллари меҳнат қилди (**Sharapov, 1972, p. 157**).

1929-1930 хўжалик йилида колхозларга аъзо бўлган 29 минг хўжаликда 3284 нафар аёллар бор эди, уларнинг аксарияти (2973 нафари) Фарғона округига тўғри келган. Самарқанд ва Бухоро округларида колхозчи аёлларнинг улуши нисбатан паст эди. Масалан, 1930 йил 1 январига Самарқанд округида 5302 нафар меҳнатга лаёқатли аёлдан фақат 194 нафари (6,4%) колхозларга аъзо бўлган, Бухоро округида эса 1809 меҳнатга лаёқатли аёлдан фақат 400 нафари колхозчи сифатида юридик жиҳатдан расмийлаштирилган (**UzR PAA, 58-fond, 5-royhat, 866-ish, p. 43**). 1931 йил бошига келиб республика колхозлари аъзоларининг 50 фоизини аёллар ташкил эта бошлади. 1932 йилда Самарқанд районида колхоз аъзоларининг 74 фоизини, Қўқон районида 80,5 фоизини, Жиззах районида 48 фоизини аёллар ташкил этди (**Kommunisticheskaya partiya Uzbekistana v tsifrakh..., 1964, p. 40**).

Ёппасига коллективлаштириш даврида колхозларга энди деҳқонларнинг алоҳида гуруҳлари эмас, балки юз минглаб деҳқонлар мажбуран киритилди. Бу пайтда колхоз курилишининг аҳамияти колхозчиларнинг сон жиҳатдан кўпайишида эмас, балки ҳаракатнинг янги босқичга кўтарилишида, яъни унинг сиёсий аҳамиятида кўпроқ намоён бўлди. 1930 йилда колхозларда ўртаҳол хўжаликларнинг салмоғи 24,1 фоизгача кўтарилди (**Djamalov, 1950, p. 112**).

Ёппасига коллективлаштиришнинг дастлабки даврида ташкилий-хўжалик тузилиши соҳасида бир қатор мураккаб муаммолар юзага чиқди. Ташкил этиладиган колхозлар қандай бўлиши, умумлаштирилган ерларда меҳнат қандай ташкил этилиши, меҳнатга қандай ҳақ тўланиши, бир томондан колхозчилар билан маъмурият, иккинчи томондан колхозчилар

билан якка хўжаликлар ўртасидаги муносабатлар қандай йўлга қўйилиши каби масалалар кун тартибига чиқди. Шошма-шошарлик билан бошланган коллективлаштириш ва “қоғоздаги” колхозларнинг тарқатиб юборилишидан сўнг ер фонди билан боғлиқ вазият янада мураккаблашди.

Қишлоқ хўжалигидаги кўп укладлилиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлатлаштириш ғоясига зид эди. Шу боис, 1920-йилларда коллектив бирлашмаларининг олий шакли деб ҳисобланган коммуналар кескин танқидга учради. ВКП(б) Марказий Комитети ва “Колхозцентр”нинг топшириғига кўра, махсус бригадалар 1931 йил декабрь ойида миллий республикалар ҳудудидаги коммуналарни текшириб чиққан (**UzR PAA Fargona viloyat bo‘limi, 110-fond, 1-royhat, 484-ish, pp. 45–46**). Коммуналарни ташкил этишнинг асосий тамойиллари, хусусан, социалистик турмуш тарзининг деҳқонлар онгига энг тушунарли мезони сифатида тенглаштиришга интилиш танқид қилинди. Коммуналар “социалистик йўналишда” мустақил хўжалик юритишга урингани, фойда олиш манбаларига (тегирмонлар, обжувозлар, хунармандчилик устахоналари ва ҳоказо) ёки саноат моллари билан “савдо-сотик қилишга берилиб кетгани” учун танқидга учради. Янги иқтисодий сиёсат даврида яшаб қолишга уринган коммуналар чорвачиликнинг турли тармоқлари, сабзавотчилик, хунармандчилик билан шуғулланиб, кўп тармоқли хўжаликлар ташкил этган эдилар (**UzR PAA Fargona viloyat bo‘limi, 110-fond, 1-royhat, 484-ish, p. 46**). Бу “универсаллик” назорат қилувчи юқори ташкилотларни қониқтирмасди, чунки улар янги жорий этилаётган колхоз ихтисослашувига тўсқинлик қиларди.

Фарғона округи партия органлари томонидан “хўжалик ичида маҳсулотларни тежамсиз ва бепул истеъмол қилиш” ҳам қаттиқ танқид қилинган. Айрим коммуналарда давлатга топширилган маҳсулот ҳажмига нисбатан ички истеъмол ҳажми кўп бўлган. Коммуналарнинг бундай давлат сиёсатига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг сабаблари 1920-йиллардаги коммуналарнинг кооператив моҳияти билан 1930-йиллар бошидаги коллективлаштириш жараёнида қишлоқ хўжалигини давлат тасарруфига олиш вазифаси ўртасидаги зиддиятда ўз аксини топган. Шундай қилиб, коллективлаштиришнинг дастлабки босқичи 1920-йилларга хос бўлган деҳқон хўжаликлари фаолияти шакллари билан маълум даражада узилишни келтириб чиқарган (**UzR PAA Fargona viloyat bo‘limi, 110-fond, 1-royhat, 484-ish, p. 48**).

Текширилган коммуналарнинг техник базаси нисбатан юқори даражада бўлса-да, малакали кадрларнинг етишмаслиги, техник жиҳозларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мос келмаслиги, машиналардан мақсадсиз ва ноўрин фойдаланиш трактор паркини зарар келтирадиган ҳолатга келтириб қўйган. Коммуналарнинг молиявий аҳволи “носоғлом” деб баҳоланган, бу эса кредитлар юқининг оғирлиги, тўловларнинг кечикиши, молиявий режаларнинг бажарилмаслиги, шунингдек, кредитлардан мақсадсиз фойдаланишни кўрсатган. Мисол учун, Каганович районидаги Карл Маркс номли коммунанинг умумий қарздорлиги унинг молиявий балансининг 80 фоизини ташкил этган. Калинин номидаги коммуна эса давлат банкидан 85400 рубл миқдорида кредит олган бўлиб, ундан атиги 12740 рублини қайтарган (**UzR PAA Fargona viloyat bo‘limi, 110-fond, 1-royhat, 484-ish, p. 49**).

Шу тариқа, 1930 йилда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик артели коллектив хўжаликларнинг асосий шаклига айланди. Улар ишлаб чиқариш воситалари ва маиший турмуш воситаларини тўла умумлаштирилмаганлиги билан коммуналардан фарқ қилар эди. Қишлоқ хўжалик артеллари колхозчиларга кўпроқ даражада хўжалик мустақиллигини берар эди, бу эса давлатнинг колхозларга тобора кучайиб бораётган тазйиқи шароитида уларнинг ўз ҳаёт фаолиятларини таъминлашнинг бир қадар қафили эди. Шошилишча ташкил этилган колхозларнинг асосий вазифаси уларни ташкилий-ишлаб чиқариш жиҳатдан мустаҳкамлашдан иборат эди. Колхозлар тизимида бригада расман асосий меҳнат бирлиги сифатида қабул қилинган.

Кува райони Салим қишлоғида 1930 йилда ташкил этилган Файзулла Хўжаев номли колхозга дастлаб 70 та хўжалик аъзо бўлган. Колхознинг 400 гектар ери, 11 та хўкизи, 20 та оти, 8 та араваси бор эди. Колхоз ташкил топган йили пахтадан ҳар гектаридан 14 центнердан ҳосил олинган (**O‘zbekiston kolhoz va sovxozlari tarixi, 1987, p. 498**). 1931 йилда колхоз ери 500 гектардан зиёдроқ кўпайди. Ерларнинг 200 гектарига пахта, 200 гектарига ғалла, 80 гектарига сабзавот экинлари, 50 гектарига шולי ва бед экилган. 4 гектар ерда анорзор, 2 гектарида боғ ва узумзор ташкил этилган (**O‘zbekiston kolhoz va sovxozlari tarixi, 1987, p. 499**).

Ўзбекистондаги колхозларнинг аксарияти 1930-1932 йилларда ташкил этилди ва 1932 йил охирига келиб уларнинг сони 9734 тага етди (**Istoriya Uzbekskoy SSR, 1967, p. 536**). Бу даврда республикада коллективлаштирилган хўжаликлар миқдори 74,9 фоизни ташкил этди (**OzMA, R-837-fond, 32-royhat, 517-ish, p. 59**). Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш пахтачилик районларида, асосан қишлоқ хўжалиги энг товарли бўлган, кооперация ривожланган Фарғона, Андижон, Тошкент, Самарқанд округларида айниқса тез суръатлар билан ривожланди. Бу округларда пахта етиштиришнинг деярли барчаси колхоз ва совхозларда жамланган (**OzMA, R-837-fond, 32-royhat, 517-ish, p. 59**).

Бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда ҳам колхозларнинг ҳиссаси ошиб борди. 1933 йилда Фарғона областида битта колхозга ўртача 66 деҳқон хўжалиги, 250 нафар аҳоли, шундан 150 нафар меҳнатга лаёқатли киши тўғри келарди (**Farg‘ona viloyat davlat arxivi, 1127-fond, 1-royhat, 567-ish, p. 11**). Ўша давр учун булар йирик хўжаликлар ҳисобланарди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида колхоз ва давлат сектори тобора кўпроқ салмоққа эга бўла борди. Бироқ, деҳқон хўжаликларининг 25,1 фоизи бу даврда ҳам яқка хўжалик бўлиб қолаверди.

1930-1933 йилларда Балиқчи районининг Эски Ҳаққулбод қишлоқ Совети ҳудудида “Ойдин”, “Ёш ленинчи”, “Янги турмуш”, “Байналминал”, “Қизил юлдуз”, “Қизил деҳқон”, “Зарбдор”, “Лочин” номли ўндан ортиқ колхозлар ташкил этилган. Бу колхозларнинг ер майдонлари ҳам, унга аъзо бўлган деҳқонлар ҳамда от-улов ва бошқа асбоб-ускуналари ҳам оз эди. Бу пайтда районда фаолият олиб борган колхозларнинг ўртача ер майдони 40-45 гектарни ташкил қилган (**Andijon viloyat davlat arxivi, 189-fond, 1-royhat, 40-ish, pp. 30–31**).

ВКП(б) Марказий Комитети 1932 йил 4 февралда “Колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашда навбатдаги чоралар тўғрисида” қарор қабул қилди, бу қарорда колхозларда асосий ишлаб чиқариш бирлиги сифатида доимий ишлаб чиқариш бригадаси ташкил қилишни тавсия этилди (**Resheniya partii i pravitelstva..., 1967, pp. 380–382**). Шу қарорга асосан, республикада ишлаб чиқариш бригадалари ташкил этиш бошлаб юборилди.

Бригада колхоз экин майдонларининг муайян қисмига масъул эди. Унга колхоз бошқаруви томонидан тайинланган бригадир раҳбарлик қилган. У белгиланган ишларнинг бажарилишини назорат қилиб, меҳнат кунларини қайд этиб борган. Бригада усули нафақат колхоз ишларини тартибга солиши, балки иш ҳайвонлари ва техникадан фойдаланиш самарадорлигини ҳам ошириши лозим эди. Эътиборли жиҳати шундаки, “дала шароитида яшашга ўтиш” раҳбарият олдида аввало колхоз чорва молларини боқиш масаласини, кейинроқ эса баҳорги дала ишлари пайтида колхоз аъзоларининг дала шийпонларида жамоавий овқатланишини ташкил этиш масаласини кун тартибига қўйди (**Resheniya partii i pravitelstva..., 1967, pp. 381–382**).

Бундай тизимнинг тўғри ишлаши учун вақт талаб этиларди, собиқ яқка деҳқонларни колхозлардаги янги иш услубига ўргатиш зарур эди. Шу боис, 1930-1932 йилларда колхозлар меҳнатни ташкил этиш бўйича тажриба майдони бўлиб қолди, унинг тузилмаси эса ўзгарувчан модель сифатида намоён бўлди.

1936 йилда Фарғона водийсида суғориладиган ерлар 703 минг гектарга тенг бўлиб, унинг 78 фоизи Ўзбекистон ССР ҳиссасига тўғри келган. 1935 йилда Фарғона области 613,4 минг

тонна пахта хомашёси етказиб берди, бу Ўрта Осиё республикалари ялпи пахта маҳсулотининг 44,5 фоизини ва бутун Иттифоқ пахта хом ашёсининг 35,9 фоизини ташкил этди. Фарғона области бўйича пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектаридан 14,6 центнерга тенг бўлди. Шунга кўра, Фарғона водийси шубҳасиз, пахтачиликнинг асосий райони ва Иттифоқ бўйича пахтадан энг кўп ҳосил олинадиган ҳудуд ҳисобланган (**Organizatsionno-khozyaystvennoe ukreplenie..., 1983, p. 98**).

Колхоз ишлаб чиқаришининг самарадорлиги бевосита колхоз аъзолари сони ва меҳнат ресурсларини тақсимлаш тамойилларига боғлиқ эди. Совет идоралари колхозлардаги ортикча ишчи кучига қарши чора кўриш ҳақида доимо қайғуларди. Назарий жиҳатдан бу колхозлаштиришдан олдинги ўзбек қишлоғининг қишлоқ хўжалик ишларига боғланиб қолган аҳолиси ҳаддан зиёд кўпайиб кетгани билан боғлиқ эди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони Иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткичлардан анча кўп эди. Шу боисдан ҳам, кўпгина колхозларда уларнинг мавжуд ер майдони ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларига нисбатан аъзолари сони кўп бўлган. Бу эса етиштирилган даромад тақсимотида ҳар бир аъзога тақсимланадиган улушни камайиб кетишига олиб келарди (**OzMA, R-837-fond, 32-royhat, 522-ish, pp. 43–44**).

Колхозлардаги ишчи кучини тақсимлаш тамойилларининг хилма-хиллиги назорат қилувчи органлар фаолиятини ҳам мураккаблаштирган. Баъзи колхозларда оиладан маълум сондаги ишчиларнинг ишга чиқишига, бошқаларида ишчилар сони истеъмолчиларга боғлиқ бўлган, учинчи бирида эса барча меҳнатга лаёқатли аҳоли колхоз ишига жалб қилинган. Масалан, 1931 йил бошларида Ўзбекистон колхозларида ишчи кучининг 64,8 фоизи истеъмолчиларга мутаносиб равишда тақсимланган бўлиб, фақат колхозларнинг 9,5 фоизидагина барча меҳнатга лаёқатли аҳоли ишга тўла жалб этилган эди. Ишчи кучини тақсимлаш тамойилларининг хилма-хиллиги колхозчиларнинг ўзаро муносабатларига ҳам, ишлаб чиқариш жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Матбуотда таъкидланишича, бундай ҳолат “жамоада жанжал ва норозиликни келтириб чиқарарди”, чунки колхозчиларнинг бир қисми меҳнат қилмаса ҳам, умумий даромаддан иш ҳақи олган, бу эса колхоз ишида доимий қатнашиб келаётган бошқа колхозчиларнинг норозилигига сабаб бўларди (**Pravda Vostoka, 1931, April 10, №68**).

Колхоз тизимининг энг заиф томонларидан бири – меҳнатни ташкил этиш ва меҳнат интизоми эди. Ҳатто битта райондаги колхозларда ҳам маҳсулдорлик субъектив шароитлар, оммавий ишлар, умумий овқатланишни ташкил этиш ва бошқа рағбатлантириш омилларига қараб сезиларли даражада ўзгариб турган. Колхоз бригадалари ишлаб чиқариш меъёрларини олган бўлсалар ҳам, кўпинча уларни бажара олмас эдилар. Чунки, колхоз ишлаб чиқаришида меҳнатдан манфаатдорлик каби омиллар жуда паст эди. Колхоз аъзолари турли сабаблар билан дала ишларига чиқмас эдилар. Улар колхоз ишидан кўра ўз томорқасида ишлашни маъқул ҳисоблаганлар. Чунки, улар ўз томорқасидаги меҳнатдан кўпроқ манфаатдор эдилар. 1931–1932 йилларда айрим колхозларда аъзоларнинг ишга чиқмаслик даражаси 40–50 фоизгача етган (**OzMA, R-90-fond, 6-royhat, 234-ish, p. 13**). Албатта, меъёрдан ортик ишлаганлар ҳам бўлган, лекин улар озчиликни ташкил этарди.

Колхоз тизими жорий этилган даврдан бошлаб деҳқонларни дангасалик, меҳнатдан бўйин товлаш ёки уни атайлаб чўзиш, эътиборсизлик ва шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлари учун “меҳнат интизомининг пастлиги”да айбланиш одат тусига кирган. Мавжуд сиёсий қарашга кўра, партия раҳбарияти бундай меҳнатга “онгсиз” муносабатни кулоқ хўжаликларининг колхоз фаолиятига таъсири ва деҳқонларнинг майда буржуа табиатидан қолган сарқитлар билан изоҳлаган (**UzR PAA, 58-fond, 6-royhat, 105-ish, p. 67**).

Умуман, 1930–1933 йилларда қишлоқ хўжалигини “социалистик” ўзгартиришнинг энг катта натижаси хусусий мулкчиликнинг тугатилиши бўлди. Бу ҳол “капиталистик унсурлар” халқ хўжалиги соҳаларидан сиқиб чиқарилганлигини билдирар эди. Иқтисодиётнинг кўп

укладчилигини тугатиш, “социалистик” жамиятнинг иқтисодий асосларини яратиш учун ҳаракат бошланди. Бундай ўзгаришлар натижасида, социалистик мулкнинг икки формаси: давлат умумхалқ мулки ва кооператив-колхоз мулки вужудга келди.

Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш натижаларини умумий баҳолаш жараёнида, ёппасига коллективлаштириш давомида унинг ижтимоий тузилмасида жиддий ўзгаришлар содир бўлганини таъкидлаш лозим. Коллективлаштириш арафасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 860 мингдан ортиқ якка деҳқон хўжаликларидан иборат эди. Коллективлаштириш ва давлат хўжаликларининг ривожланиши натижасида турли иқтисодий тизимлар ўртасидаги нисбат социалистик сектор фойдасига тубдан ўзгарди.

Ёппасига коллективлаштириш сиёсатининг советларга хос шиддат ва шошма-шошарлик билан амалга оширилиши натижасида қишлоқнинг тадбиркор, ўзига тўқ қатлами “қулоқ” тамғаси билан бутунлай тугатиб юборилди. Бунинг оқибатида ўзбек қишлоғининг ижтимоий таркиби ҳам тубдан ўзгарди. 1928 йилда “қулоқ ва бойлар” умумий деҳқон хўжаликларининг 5 фоизини ташкил этган бўлса, 1932 йилда бу кўрсаткич атиги 1,1 фоизини ташкил қиларди (**OzMA, R-837-fond, 32-royhat, 517-ish, pp. 234–235**). 1934 йилга келиб, “қулоқ-бойлар” деб аталган қатлам Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолиси таркибидан бутунлай сиқиб чиқарилди. Бу “сўнгги эксплуататор синф”ни йўқ қилиш айнан ёппасига коллективлаштириш асосида амалга оширилди. Чунки, қишлоқнинг бундай бақувват, ишбилармон қатламлари “социалистик” ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги асосий душман деб топилган эди. Чунки, бундай хўжаликлар хусусий мулк мавжуд бўлмаган, умумлашган коллектив меҳнатга асосланувчи янгича тартибни табиий равишда қўллаб-қувватламас эдилар.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви (ЎзР ПАА), 58-фонд, 6-рўйхат, 79-иш.
2. Правда Востока, 1930 г. 18 марта.
3. Шарапов Ш. Очерки истории союза “Рабземлес” в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1972. – 183 с.
4. ЎзР ПАА, 58-фонд, 5-рўйхат, 866-иш.
5. Коммунистическая партия Узбекистана в цифрах. Сборник статистических материалов. 1924-1964 гг. – Ташкент: Узбекистан, 1964. – 212 с.
6. Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1950. – 124 с.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Фарғона вилоят бўлими (ЎзР ПАА Фарғона вилоят бўлими), 110-фонд, 1-рўйхат, 484-иш.
8. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. Тарихий очерклар. 16-китоб. Таҳрир хайъати А.Р. Раззоков ва бошқ. – Тошкент: Меҳнат, 1987.
9. История Узбекской ССР. Том 3. Победа Великой Октябрьской социалистической революции и построение социализма в Узбекистане (1917-1937 гг.). Отв. ред. Р.Х. Аминова и др. – Ташкент: Фан, 1967. – 707 с.
10. Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), Р-837-фонд, 32-рўйхат, 517-иш.
11. Фарғона вилоят давлат архиви, 1127-фонд, 1-рўйхат, 567-иш.
12. Андижон вилоят давлат архиви, 189-фонд, 1-рўйхат, 40-иш.
13. Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам. Сборник документов. Сост.: К.У. Черненко и М.С. Смиртюкова. Том 2. 1929-1940 гг. – Москва: Политиздат, 1967. – 798 с.
14. Организационно-хозяйственное укрепление колхозов Узбекистана (1933-1940 гг.). Сборник документов. Под ред. Р.Х. Аминовой. Сост. И.А. Алимов, Н.Ф. Расулова, О.А. Шарафханова. – Ташкент: Узбекистан, 1983. – 295 с.

15. Ўз МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 522-иш.
16. “Правда Востока”, 10 апреля 1931 г. №68.
17. Ўз МА, Р-90-фонд, , 6-рўйхат, 234-иш.
18. ЎзР ПАА, 58-фонд, 6-рўйхат, 105-иш.